

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 25 октябрь сешанба № 45 (772)

e-mail: info@press-iq.uz www.minjust.uz

## 2011 йил – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»

Президентимизнинг 2011 йил 7 февралда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, бунинг учун кредитлар бериш механизмини янада тақомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур Қарор ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда изчил чора-тадбирлар амалга ошириллаётир.

Жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 3 триллион сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 1,5 баробарга кўпайган мазкур кўрсаткич жорий йил якунига қадар 3,8 триллион сўмдан ошиши kutilмоқда.

Жорий йилда тадбиркорларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари янада кенгайди. Инвестициявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва молиялаштиришга кўмаклашиш, микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга ошириллаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида яратилган имтиёзлар соҳанинг янада ривожланишида муҳим омили бўлаётир. Мазкур Фармон асосида тадбиркорлик субъектларига ҳисобрақамлар ҳақ ундирилмасдан очилаётгани, кредит аризаларини кўриб чиқиш муддатлари кескин қисқартирилганлиги, корпоратив пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларда, нақд пул тушувларини банк муассасаларига топширишда қатор имтиёзлар берилганлиги мамлакатимиз тадбиркорлари учун янада кенг қўлайликлар яратди.

Инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтларининг узоқ муддатли имтиёзли кредит линияларини жалб этиш борасидаги ҳамкорлик юксак самара бераётир. Мамлакатимиз банклари томонидан бир қатор халқаро молия институтлари, жумладан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Хитой тараққиёт банки, Корея эксимбанки, Германиянинг бир қатор банкларининг кредитлари жалб этилиб, ушбу маблағлар кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида чет эл кредитлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробар кўп кредитлар ажратилди.

Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.



## Қонун доирасида Ортиқча ундирилган тўловлар тадбиркорларга қайтарилди

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ дастлабки кунлариданоқ тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашга, айниқса, уларнинг фаолиятига давлат назорат қилувчи органларнинг аралашуви чеклашга алоҳида эътибор қаратилди.**

БУ БОРАДА Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида тадбиркорлик субъектларидан жами 64 та ариза ва шикоят келиб тушган.

Келиб тушган ариза ва шикоятларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар асосан бажарилган хизмат ва етказиб берилган маҳсулот ҳақини ундириб бериш, банк хизмати ва кредит ажратиш, солиқ қонунчилиги бўйича тушунтирилган

бериш, ер ажратиш ва бошқа масалаларни ўз ичига олган.

Келиб тушган ариза ва шикоятларнинг 55 таси қаноатлантирилиб, 4 таси тааллуқлиги бўйича бошқа идораларга юборилган ва қолганлари кўриб чиқилмоқда. Бошқарманинг «Ишонч телефони»га 41 та мурожаат келиб тушган бўлиб, ушбу мурожаатларнинг 22 таси қаноатлантирилди, 19 таси бўйича ҳуқуқий тушунтирилди. Мазкур тақлифлар судлар томонидан кўриб чиқилиб, 14 нафар мансабдор шахсга нисбатан суд қарорига асосан

маъмурий жарима жазоси қўлланилди.

Бошқарманинг 2011 йилга мўлжалланган иш режасига

асосан 8 та туман ва шаҳардаги 71 та назорат қилувчи ҳамда тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи идораларда ўрганишлар ўтказилиб, қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида 74 та тақдимнома, 70 дан ортиқ ёзма огоҳлантириш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир қилган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида судларга 18 та тақлиф киритилди. Мазкур тақлифлар судлар томонидан кўриб чиқилиб, 14 нафар мансабдор шахсга нисбатан суд қарорига асосан

маъмурий жарима жазоси қўлланилди.

Бошқарма томонидан киритилган тақдимномаларга асосан 128 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 14 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Шунингдек, бошқарма томонидан вилоят ҳўжалик судига жами 155 та 1.902.695.833 сўмлик давво аризаси киритилиб, 173 таси суднинг ҳал қилув қарори билан 935.580.553 сўм маблағ тадбиркорлар фойдасига ундирилди.

**Шодибек МАМАТОВ,**  
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

## “Обуна – 2012”



Қонуна ҳимоя қилинган Инсон Инсондай яшай олади!

“Инсон ва қонун”: индекс — 137

## Конституция сабоғи

# Ўзбекистон – суверен демократик республика

**1-модда. Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади.**

ЎЗБЕКИСТОН давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг энг муҳим конституциявий тамойилларидан бири давлат суверенитети принциплари ҳисобланади.

Мамлакат ичидаги давлат ҳокимиятининг суверенитети унинг ташқарисидаги мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ. Давлат суверенитети уни халқаро муносабатларда ҳам мустақил эканлигини билдириб, бунда давлат халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида мустақил майдонга чиқади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати унинг Конституциясида белгилаб қўйилганидек, давлатнинг суверен тенглигига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Давлатнинг суверен тенглиги тамойили халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган тамойилларидан бири сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида ҳам мустаҳкамланган.

Республикаимиз Конституциясининг 1-моддасидаёқ Ўзбекистон ҳам суверен, ҳам демократик республика, деб эълон қилиниши жуда катта халқаро ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлди. Чунки доимо демократик республика ҳақида сўз юритилганда, биринчи навбатда, ушбу давлатда демократик тартиблар қарор топганлиги, давлат бевоСИТА кенг халқ оммаси қўлида эканлиги назарда тутилади. Шунинг ҳам эслаб ўтиш жоизки, “демократия” ибораси юнонча “халқ ҳокимияти” деган маънони билдиради. Бундай бошқарув шаклида ҳокимият халқ томонидан бевоСИТА ёки вакиллик ташкилотлари орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида ўз аксини топган “демократия” тушунчаси мутлақ халқ ҳокимиятичилиги ҳукмронлигидан далолат беради. Чунки Конституцияимизнинг бир қанча бўблари ва моддалари ҳақиқий халқ демократизми руҳи билан суғорилган. Масалан, 9-моддага кўра, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ ҳуқуқига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. 10-моддага биноан эса, Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Демак, Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистонда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир.

Конституциянинг 1-моддасида давлатимизнинг “Ўзбекистон Республикаси” ёки “Ўзбекистон” деб юритилиши алоҳида ўқитилади ва бу икки хил номланишдан қатъи назар, улар бир маънони англатиши таъкидланади. Бу Ўзбекистон ҳақиқий маънодаги миллий мустақил давлат эканлигининг рамзий ифодасидир.

“Ўзбекистон” деган ном ўзининг ҳақиқий мазмунига фақат 1991 йил 1 сентябрь — ўзбек халқи мустақилликка эришган санадан бошлаб эга бўлди. Шунинг билан “Ўзбекистон Республикаси”, “Ўзбекистон” деган иборалар чуқур мазмунга эга бўлиб, ҳозирги кунда бу ном жаҳон халқларига тобора кўпроқ танилиб бормоқда.

Конституциянинг 1-моддасини таҳлил қилар эканмиз, унда Ўзбекистоннинг республика шаклида идора қилинадиган давлат эканлигини кўрамиз. “Республика” ибораси лотинча “умумхалқ иши” деган маънони билдиради. Республика давлат бошқаруви шакли бўлиб, бунда ҳокимиятнинг барча олий органлари ё сайлаб қўйилади ёки вакиллик органлари (парламентлар) томонидан тузилади. Конституциямизга кўра, Ўзбекистонда қонун чиқарувчи орган, яъни олий ҳокимият органи — Олий Мажлис ҳам, давлат бошлиғи Президент ҳам фуқаролар томонидан сайланади.

Ўзбекистон Конституциясининг барча моддалари каби 1-моддаси ҳам қисқа, пухта ва тушунарли баён қилинган бўлса-да, мазмунан чуқур ва кенг қамровлидир.

**Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,**  
Тошкент давлат юридик институти доценти

## Тадбир

# Халқаро шартномалар

уларни тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш ва имплементация қилиш механизмини тақомиллаштириш масаласига бағишланди

БУГУН мамлакатимизнинг жаҳон ҳам-жамиятига интеграциялашуви ва барчамиз гувоҳи бўлиб турган глобаллашув шароитида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни тузиш ҳамда улар юзасидан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ мажбуриятларни бажариш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, Адлия вазирлигида бир қатор вазирлик ва идоралар масъул ходимлари иштирокида халқаро шартномаларни тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш ва миллий қонунчиликка имплементация қилиш механизмини тақомиллаштиришга бағишланган семинар ўтказилди.

Семинарни Адлия вазири ўринбосари Қ.Тоғаев очди. Унда Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакиллари мавзуга оид маърузалари билан иштирок этишди.

Тадбир эркин мулоқот кўринишида ўтди ҳамда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Семинар якунлари бўйича билдирилган фикрлар юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

**Адлия вазирлиги**  
**Халқаро ҳуқуқий бошқармаси**

## Бугун – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунин

# Тинчлик, осойишталик, халқ хотиржамлигида

бевосита ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам хизматлари алоҳида

**ЮРТИМИЗДА ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитининг мустаҳкам қарор топгани тинчлик ва осойишталикнинг, фаровон ҳаётимиз ва барқарор тараққиётимизнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўз-ўзидан тинчлик ва осойишталик, халқимиз хотиржамлиги йўлида ички ишлар идораларининг ўрни алоҳида.**

БУНДА давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов ташаббуси билан маҳалла институтининг жамиятдаги мавқеи мустаҳкамлангани, давлат ва жамоат ташкилотлари, айниқса, ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорлиги кучайтирилгани ҳам

муҳим аҳамият касб этаётир.

Маҳаллалар, қишлоқ ва овуллардаги милиция таянч пунктлари ана шундай хайрли мақсадларга хизмат қилмоқда. Профилактика инспекторларининг маҳаллалар фаоллари билан ўзаро

ҳамкорликда иш олиб бораётгани жиноятларнинг олдини олишда, барқарорлик муҳитини таъминлашда муҳим омили бўлаётир.

— Кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга йўналтирилган тадбирларнинг изчил ўтказилаётгани ўз самараларини бермоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бош-

қармаси бошлиғи, полковник Улуғберди Нарзуллаев. — Бунинг натижасида жорий йилнинг даврида юртимиздаги уч мингдан ортиқ маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Мунтазам олий борилаётган тарғибот-тушунтириш ишлари аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг тобора юксалишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мавжуд 3,5 мингдан зиёд милиция таянч пунктнинг 75 фоиздан зиёди атрофида

факультатив тўғрақлар, 72 фоизининг ҳузурида кичик бизнес шохобчалари, қарийб 85 фоизининг қошида спорт анжумалари билан жиҳозланган спорт майдончалари барпо этилган. Бундай имкониятлар маҳалла аҳолиси, айниқса, воёга етмаганлар, ёшлар ва хотин-қизларни фойдали меҳнатга, хунар ўрганишга жалб этиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишга хизмат қилмоқда.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**  
ЎЗА муҳбири





Ёруғ хиёбон

Данте — юрист



Дантенинг сиёсий ва дипломатик фаолияти

Акмал САИДОВ, юридик фанлар доктори, профессор

(Боши ўтган сонларда) Бу масъулиятли дипломатик вазифага қадар Данте "Юзлар кенгаши"да фаоллигини кўрсатган, 1297 йилда у беш кенгашдан бирининг аъзоси бўлган. Бу вақтларда у жамиятда шу қадар катта нуфузга эга эдики, Ж.Бокаччонинг эътирофи эътибори, Элчиларни қабул қилиш ёки жўнатиш, қонун қабул қилиш ёки уни бекор қилиш, уруш эълон қилиш ёки сулҳ тузиш — ҳуллас бирор муҳим масала ҳал қилиниши зарур бўлса, энг аввало, Дантенинг бу хусусдаги фикрини сўрашган. Уша вақтларда Флоренция фақат унга ишонган, фақат унга умид қилган деб айтиш мумкин бўлган.

дай мурасасиз сиёсий рақобатни юмшатиш ва тинчлик ўрнатиш мақсадида кардинал Маттео Акваспартни шаҳарга махсус дипломатик вазифага жўнатган. У бу ерда 1300 йил июнь ойи бошида етиб келган ва Папа номидан Приорларга чиқарилган барча ҳукмларини бекор қилишни талаб қилган. Лекин Приорлар ҳайъати аъзолари ўзларининг қонунда белгиланган икки ойлик муддати тугашидан аввал (15 июнча) махсус комиссия тузиб, Папа шаҳар одил судловига аралашини учун бирор ҳуқуққа эга эмаслиги тўғрисида қарор чиқаришига муваффақ бўлишган. Бу Папа билан кескин ва жуда хавфли юзма-юз кураш бошланишини аниқлатган.

Кардинал Акваспарт бу вақтда ҳали ҳам шаҳарда бўлган. У мақсадига эришмасдан, яъни Флоренция ҳукуматини ўз ҳукмини бекор қилишга мажбур қилмасдан шаҳардан кетиш ниёти бўлмаган. Кардинал мунтазам равишда дворянларни шаҳар ҳокимияти ва популарларга қарши курашга ундаб турган.

1289 йил Данте ҳаётида воқеаларга жуда бой бўлган. Карл I 1284 йилда вафот этган. Тахтга ўтирган унинг ўғли муҳожирдаги гибеллинларнинг иғвосига учиб, Флоренцияга қарши уруш бошлаган. Шаҳар фуқароларини ўз байроғи остига тўплаган, Данте Вьери де Черки томонидан ўз мазъинидаги буржуазлар орасидан йиққан 150 суворийдан иборат отрядга қўшилган. Бу отряд биринчи бўлиб душманга ташланадиган ва биринчи бўлиб унинг зарбасини қабул қилишга тайёр турган. Аммо жанг тақдирини пистирмада турган Корсо Донати отряди ҳал қилган. Улар душманга қўқисдан ҳужум қилиб, шу тарихда кейинчалик унинг энг ашаддӣ душманига айланган Вьери де Черки ва ўзининг бўлажак қурбони Данте Алигьериини муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолган. Вьери де Черки — Оқ гвельфлар етакчиси, оддий халқ ичидан чиққан. У Флоренциянинг энг бадавлат фуқароси бўлишига, зодагонларча турмуш кечирishiга қарама-қарши, оддий халққа қайишган. Флоренция зодагонларининг муайян қисми ҳам Черки тарафдорлари қаторида бўлган.


Мазкур ишонарли маълумотлар Сан Жиминианога чиндан ҳам Флоренция ҳукумати аъзоларидан бири йўл олганлигини аниқлатган. Бу шаҳарда ҳозир ҳам "Данте зали" муқаддас жой сифатида сақлаб қолинди. 1300 йил 7 майда шoir ана шу Подеста мажлислар залида маҳаллий кенгаш аъзолари олдида нутқ сўзлаб, Флоренцияга "Гвельфлар лига"нинг янги қўмондонини сайлаш учун делегатлар юборишга тарғиб қилган. У Флоренция номзоди, санманиатлик барон де Манжодори учун овоз беришга чақирган.

Данте дипломатик топшириқни бажариб, Флоренцияга қайтиб келган ва бир ойдан кейин — 1300 йил 15 июнда Приорлар ҳайъати аъзоларидан бири этиб сайланган. Приорлар янги ҳайъати олдида жуда мураккаб вазифа турган. Флоренцияда бу вақтда сиёсий вазият ниҳоятда мураккаб тус олган. Шаҳарда ҳокимият популарлар томонида бўлса, дворянлар манфаатларини Папа ҳимоя қилган.

1300 йил бошида Папага яқин бўлган бир неча кишига сиёсий иғвогарлик учун жуда катта миқдорда жарима солинган. Аммо улар бу вақтда Флоренцияда бўлмаганликлари сабабли жарима тўлаш учун шаҳарга келишни хоҳлашмаган. Шу сабабли улар шаҳардан қувғин қилинган деб ҳисобланган. Папа қатъий равишда бу қарорни бекор қилишни талаб этган. Аммо 1300 йил 15 апрелда иш бошлаган Приорлар ҳайъатининг аъзолари суд қарорини тасдиқлаган.

Дворянлар бундан ниҳоятда дарғазаб бўлишган. Улар шаҳарда исён кўтаришни режалаштирган. Бу билан улар ҳокимиятни қўлга олмақчи бўлишган, лекин дворянларнинг бу режалари ошқор бўлиб, Приорлар уларни янада оғирроқ жазоларга маҳкум этишган. Исёнчиларнинг йўл-бошчиси ўлим жазосига ҳукм қилинган. Унинг барча кўчмас мулкни хонавайрон қилиш ва барча кўнар бўйича мулкни мусодара қилиш, қарор қабул қилинган. Бундан ташқари, бир қатор исёнчилар қувғин қилинган.

(Давоми бор)



Тармоқ ичида БАРЧА ҚЎНҒИРОҚЛАР

«МТС VIP» ТАРИФ РЕЖАСИ ПРОМО-АКЦИЯСИ

\$0,10 Абонент тўлов кўнига

\$0,33 Абонент тўлов кўнига

Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси абонентлари учун

Тошкент шаҳри, ҳамда Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари абонентлари учун

Изоҳлар:

- «МТС VIP» тарифига ўтиш учун «111»116»2 USSD-номдани териш керак;
Промо-акция 2011 йил 30 ноябргача амалда бўлади;
Тариф режадан қўйидаги шартларда барча абонентлар фойдаланишлари мумкин: барча иривуви қўнғироқлар - \$0, тармоқ ичида чиқувчи қўнғироқлар - \$0, қолган чиқувчи қўнғироқлар - \$0,025.



бир қалам олдинда

Хизматлар лицензияланган

"Бу жуда яна ва оддий, Уотсон!" Машҳур изкувар Шерлок Холмснинг ўта чигал жиноятлар ечимини топан чоғда қўлайдиган бу ибораси Европада энг кўп ишлатиладиган ҳазиллар сирасига кирди.

Дарвоқе, Артур Конан Дойлнинг "Шерлок Холмс"и, Агата Кристининг "Эркюль Пуаро"сини билмайдиган, бу икки қаҳрамоннинг зўк-қолиги-ю, касбий маҳоратига тен бермайдиган одам топилмас керак. Умуман олганда, жиноятларни фойда эши хусусида сўз бораркан, ўз-ўзидан саволлар туғила бошлайди: қурраи заминда илк бор қайси жиноятчи, ким томонидан, қандай жазо тайинланган? Ёхуд жазо чорасини қўллаш дастлаб қай мамлакатда амалга таътиб этилган?

Албатта, бу гоятда мунозарали масала. Фақат шуниси аниқки, ер юзида жазо муқаррарлиги таъминланмаганда эди, бу даражадаги тараққиётга эришиш ширин озулигича қолиб кетарди. Жиноят ва жазо хусусида сўз бораркан, аввало, ижтимоий хавфли қилмишнинг тез ва тўла очилиши энг асосий вазифа эканини ёдда тутиш лозим. Албатта, эндиликда криминалистика жиноятларни текшириш, жиноят содир қилган шахсининг айбини исботлаш, далил топиш, жиноятнинг барча ҳолатларини аниқлаш бўйича восита ва усуллар ҳамда тергов тактикасига оид таклифларни ишлаб чиқарган ҳуқуқ соҳаси сифатида тобора такомиллашиб бормоқда. Пировадидда суриштирув ва тергов органлари энг замонавий криминалистик техника воситалари суриштирув ва тергов органлари ходимларига гоятда қўл келаётгани ва бунинг натижасида ҳаттоки латент жиноятлар ҳам фойда этилаётгани аниқ ҳақиқат. Кези келганда жиноятларни тез ва тўла очилиши суд экспертизасининг нечоғлик мумкинлигини таъкидлаш жуда ўринли.

Бирок амалиётда шундай вазиятлар ҳам учрайдики, криминалистика ходимларининг сиққовлиги, сезирлиги ва албатта, ички ишончи (билими ва малакаси) туфайли қатор ижтимоий хавфли қилмишлар ҳам фойда этилади. Эҳтимол, бундай усул ва воситалар бор экан, замонавий терговчига Пуаро-ю Хол-

мсининг сиққовлиги ва зиярқлиги на ҳожат, дея ўйларсиз? Янгилашсиз. Бугунги кун терговчисига ҳам бу фазилатлар сув ва хаводек зарур. Тергов амалиётининг мисол келтириш асосида фикримизни асослаш ўринли бўлса керак. Шундай қилиб, биринчи мисол:

Янги йил оқшомида пойтахтда-

гурт олиб келишимни сўради. Ошхонага кириб, гугурт ахтарётгансиз. Бугунги кун ҳолатда бақирганини эшитдим. Чоғанча балқонча қиксам, дўстим ерда чалқанча ётибди. Дарҳол, "Тез тиббий ёрдам"га ва ИИБга қўнғироқ қилдим..."

Воқеа жойини кўздан кечириб чоғидаёқ терговчи, Камолнинг

ва унинг миллари 23.45 ни кўрсатиб турганди. Демак, марҳум дўсти Камол айтганидек, 24.00 да эмас, балки 23.45 да жон таслим қилган. Қарабсизки, оддийгина соат калавининг учини топишга ёрдам берган ва жиноятчи қонуний жазосини олган.

Айтиш жоизки, тергов амалиё-

Синган Соат шарофати

Ўқинг, қизиқ!

ёхуд жиноятни фойда этишда сезги қанчалик зарур?



ги кўп қаватли уйлardan бирида истикомат қилувчи Пулат исмли (асли самарқандлик) йигит 3-қаватдан ерга йиқилиши оқибатида ҳаётдан кўз юмади. Рўй берган ҳаётдан ҳодиса тўғрисида ҳуқуқ тартибот идораларига Пулатнинг бизнес ҳамкори — Камол хабар беради. У булган воқеа тўғрисида шундай кўрсатув беради: "Пулат ота-онаси Самарқанддалиги, уйда ёлғиз бўлгани туфайли янги йилни бирга нишонлаш учун мени чақирганди. Роса хурсандчилик қилдик, ароқ ва шампаньносидан кайфимиз "тарак" эди. Соат роппа-роса 24.00 га бонг урғанида Пулат балқонга чиқиб, дераза ромига ўтирди ва мендан гу-

ёлгон кўрсатув берганини аниқлайди. У терговчи келтирган далилни инкор этолмай, бўлган водан ерга йиқилиши оқибатида ҳаётдан кўз юмади. Рўй берган ҳаётдан ҳодиса тўғрисида ҳуқуқ тартибот идораларига Пулатнинг бизнес ҳамкори — Камол хабар беради. У булган воқеа тўғрисида шундай кўрсатув беради: "Пулат ота-онаси Самарқанддалиги, уйда ёлғиз бўлгани туфайли янги йилни бирга нишонлаш учун мени чақирганди. Роса хурсандчилик қилдик, ароқ ва шампаньносидан кайфимиз "тарак" эди. Соат роппа-роса 24.00 га бонг урғанида Пулат балқонга чиқиб, дераза ромига ўтирди ва мендан гу-

фта нафақат бир жиноятчи, балки жинорий уюшма ёхуд уюшган жинорий гуруҳ ҳам нечоғлик уринмасин, жиноятни яширишга ёхуд терговчинини чалғитишга муваффақ бўлолмади. Тасфилоти баён этилаётган мазкур жиноят иши ҳам фикримизга яқоқ далил бўла олади. ...Вилоят марказларидан бирида нефть маҳсулотлари базасининг мансабдор шахсларига нисбатан жинорий иш кўзгатилади. Ушлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганликда гулом қилинаётган раҳбарлар терговчига шундай ҳужжатларни тақдим этишадими, булардан бирон камчилик топиш амримаҳол эди, янаям аниқроғи, бариси ҳисобга

тўғридек туюларди. Шундай чигал вазиятда бир ҳолат терговчининг эътиборини тортади. Гарчанд, нефть маҳсулотлари базасида иш ўз вақтида бошланса-да, бензин тақсимоти қоқ туш маҳалда амалга оширилмади. Айнан шу жараён талон-торожнинг асосий манбаи эди. Негаки, кун исонган маҳалда бензин кўприги, бензин ташувчи автомобилнинг цистернаси тўлгандек кўринар, фақат шу йўл билан анчайин кўп маҳсулот базасида "уд-дабурон"лар фойдасига қолиб кетарди. Шу тарихда нефть базасидаги жиноятчиларга нисбатан ҳам жазо муқаррарлиги таъминланади.

Яна бир ҳолатда эса терговчининг топқирлиги туфайли содир этилиши мумкин бўлган жиноятнинг олди олинади. Бир неча бор жиноятга қўл уриб, жавобгарликка тортилган ва жазони ўтаб қайтган Ҳ, исмли шахс яна қайта оғир жиноят содир этади ва дастлабки терговда унга нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланади. "Сўроқ қилиш" тергов ҳаракатини ўтказайтган терговчи маҳбуснинг қўлидаги тўртликка эътибор қаратади:

Тазарру Оғаммада кўзгадан йўлардан, Ййглайман инграбди нетайин. Роҳатини изладим майлардан, Топмадим илинжлар қайтайин.

Шеърдаги ҳар бир сўзнинг бош харфи қўйдан юқорига қарата ўқилганда "Қитмирин йўқот" деган жумла келиб чиқади. "Қитмир" — жинорий гуруҳ аъзосининг лақаби бўлиб, жиноятчи фойда этилишидан қаттиқ чўчган Ҳ, "Қитмир"ни йўқотиш тўғрисида гуруҳнинг бошқа аъзосига топшириқ беришни режалаштирган. Терговчининг топқирлиги туфайли жиноятнинг олди олинади. Очиги, тергов органлари томонидан ёзишга ариштирилган кўп жиноят ишлари бизга тақдим этилди. Фақат айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра жой номлари, исм-фамилияларини аниқ келтирмаган бўлса-да, воқеа ва ҳодиса тафсилотларини муболага ва буртиришларсиз баён этдик.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА, "Инсон ва қонун" муҳбири

Фахрийлар — фахримиз Ҳаёт мактаби

... Ушанда у 23 ёшда эди. Олий таълим даргоҳини эндигина тамомлаб келган ёш ҳуқуқшунос Ўқтам Раҳимовни вилоят суди судьялигига тайинлашганини устоз бугун ҳам ҳаяжон билан эслайди.



Беш йил ўтиб у Урганч шаҳар суд раиси, сўнгра вилоят судининг раиси лавозимида бир неча йил катта билим ва туғанмас шижоат билан ҳалол ишлади. Ҳамкасблари унга туғма ҳуқуқшунослик иқтидори бор бўлган малакали юрист деб ҳавас билан қараган, аини пайтда бу эътирофни ундан доимий йўл-йўриқ, маслаҳат сўрайдиган қўллаб-қўллагичларидан эшитиш мумкин. Узоқ йиллар суд ва адлия тизимида бир қатор масъул лавозимларда астойдил ишлаб, чинакам раҳбарлик қобилияти, чуқур билимдонлиги, юксак инсоний фазилатлари билан одамлар қалбига йўл топа биларди. Шу туфайли эл орасида катта ҳурматта сазовор бўлди.

Истиқлол шарофати билан ҳалол ва фидойи меҳнатининг рағбати ва роҳатини топишга муяссар бўлгани унинг чинакам бахти, албатта. Бундан ташқари, инсон омилларининг биринчи ўринга кўтарилиши биз кексаларни ҳам янада шижоатга чорлади. — дейди у.

Шу шижоат ва кўп йиллик тажриба эса уни ҳурмат шоҳсупасига кўтарди. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос" унвонига, 3-даражали Адлия давлат маслаҳатчиси хизмати унвонига сазовор бўлгани бунинг ёрдами акс эттириб турибди.

Устознинг тажрибаси, фойда юқори малакаси, ҳали ҳам юрагини тўлдирган ғайрат-шижоати ҳақида унинг ҳозирда самарали давом этаётган меҳнат фаолияти мисолида ҳам узоқ сўз юритиш мумкин. Табарруқ 80 ёшни қоралаб қолган отахон-ҳуқуқшунос эндиликда бир неча минг кишилик меҳнат жамоаси — юртимиз ҳудудлари ва узоқ-яқин хорижий элларга "зангори олов" узатувчи "Шимолгазтаъминот" давлат унитар корхонаси юристи лавозимида муваффақиятли иш олиб бормоқда. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, одамларда қонунга бўлган ҳурмат ҳиссини оширишга муносиб улуш қўшган етук мутахассис, табарруқ устоз ўзига ҳоқ ҳаёт мактабининг яратган. Доимо виждон амри, чинакам қонун талабига қатъий амал қилиб ўз касбининг садоқат билан улуғлаган меҳнат фахрийси Ўқтам ота Раҳимов қонун фахридан ардоғи, шоғирдларнинг шизат-икромини, меҳнат жамоаси ва барча ҳамкасблар эҳтиромидан эзгу ишларни давом эттирмоқда.

Табарруқ устозга доимо тансиҳатлик, кўн-гайрат, хонадон қўмонларини тилаб қоламиз.

Адлия вазирлиги Фахрийлар кенгаши

Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 6 октябрдаги №99-ш-сонли буйруғига асосан 2009 йил 23 июнь кунини белгиланган SU 000996-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Термиз шаҳридаги "Сурхон Барқомол Ишон" адвокатлик ҳайъати адвокати Мамадалиев Бахтиёр Ачилдиёвнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макомини тугатилади.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАСССМО: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

Бош муҳаррир: Кўчкор НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Мустафаев Бўриотом Мустафаевич
Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич
Султонов Алимқул Тонбекович
Тўраев Тўра Эргашевич
Очилов Алижон Мухлисевич
Сайдов Шокир Камолович

Навбатчи: Ербек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи: Тўлқин РАУПОВ

Индекс: 646882
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уюшмада чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-ў.
Буортма j-2985. Тиражи — 13965.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилтоғ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-ig.uz
Бахоси келтирилган нархда 1 2 3 4 5